


O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси



# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

---

# О‘ЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЙОТИ

**5 / 2018**

## МУНДАРИЖА

### Тилшунослик

А.Мадвалиев. Ўзбек лексикографиясининг мустақиллик даври тараққиёти.....	3
Т.Мирзаев. Етук шевашунос .....	14

### Адабиётшунослик

И.Ҳаққул. Эргаш Жуманбулбул ва Шарқ мумтоз адабиёти .....	19
А.Абдуқодиров. Навоий ва Жомийнинг адабий алоқалари хусусида.....	23
Р.Баракаев. Ўзбек маърифатпарварлиги ва жадиличилиги чароғбони .....	29
З.Қобилова. Амирий ва Фузулий.....	38

### Илмий ахборот

М.Асадов. Соқийнома жанрининг шаклланиши.....	43
Д.Зоҳидова. Увайсийнинг бадиий маҳоратига доир.....	48
Т.Тошболтаева. Фазлийнинг Амирий газалларига назиралари .....	54
Б.Ражабова. Паҳлавон Муҳаммаднинг бир қитъаси ҳақида.....	57
Р.Хабохунова. Мумтоз адабиётни ўрганишга герменевтик ёндашув.....	61
Ш.Хўжаева. “Назм ул-жавоҳир”да сўз таърифи.....	63
М.Саидакбарова. “Тарихи мулуки Ажам”даги қитъалар ҳақида.....	65
Б.Ҳасанова. Асқад Мухторнинг илк ҳикоялари.....	67
М.Қурбаниязов. Рабғузий ҳикоятларининг мавзу кўлами.....	70
Г.Қурамбоева. Изланувчан ижодкор .....	73
З.Маматалиев. Ўзбек болалар адабиётида алифбо-шеърлар .....	76
О.Гайлиева. Насрий шеърларнинг бадиий хусусиятлари .....	80
Б.Абдурахмонова. Адабий таъсир ва ўзига хослик .....	84
Б.Жўраева. Фольклор жанрлари асосида шаклланган мақоллар.....	86
Д.Асқаров. Амирийнинг Фузулий газалига мухаммаси .....	90
М.Жамолитдинов. “Жамила” қиссасида миллийликнинг акс этиши.....	92
Г.Алиева. Нодира лирикасида Амирий сиймоси.....	94
М.Ғозиева. Интонация ва гапнинг актуал бўлиниши.....	96
М.Ҳакимова. Мавҳумлашиш ном кўчиш усули сифатида.....	102
Н.Садинова. Оксюморон ва унга прагматик ёндашув.....	105
Д.Жамолитдинова. Матн лингвистикаси аспектида терминлар.....	108
Ш.Тўлаганова. Туркий битиклардаги стереотип бирликларнинг услубий хусусиятлари.....	110
А.Ҳасанов. Лингвопоэтик таҳлилда шакл ва мазмун.....	112
Ш.Акрамов. Тўлдирувчи ва ҳолнинг гап кенгайтирувчилари сифатидаги вазифаси .....	115
М.Тожибоева. “Ҳайрат ул-аброр” сарлавҳаларида арабий жумлалар.....	119
Н.Янгиева. Лотин алифбосини шакллантириш тарихидан.....	121
Д.Ҳасанова. Шахснинг шаклланиш омиллари социолингвистик тадқиқ асоси сифатида .....	124

### Фанимиз заҳматкашлари

Н.Маҳмудов, Х.Жабборов, А.Мадвалиев. Таниқли ва зукко тилшунос .....	126
--	-----

### Танқид. Тақриз. Библиография

З.Раҳмонова. Талқин ва таҳлил маҳорати .....	130
М.Сулаймонов. “Хамса” сарлавҳалари тадқиқи.....	131

## СОДЕРЖАНИЕ

### Языкознание

А.Мадвалиев. Развитие узбекской лексикографии в годы независимости .....	3
Т.Мирзаев. Выдающийся диалектолог .....	14

### Литературоведение

И.Хаккул. Эргаш Джуманбульбуль и Восточная классическая литература .....	19
А.Абдулдаев. О литературных связях Навои и Джами .....	23
Р.Баракаев. Предводитель узбекского просветительства и джадидизма .....	29
З.Кобилова. Амири и Фузули .....	38

### Научное сообщение

М.Асадов. Возникновение жанра саки-наме .....	43
Д.Зохидова. Об поэтическом мастерстве Увайси .....	48
Т.Тошболтаева. Назиры Фазли к газелям Амири .....	54
Б.Ражабова. Об одном кыта Пахлавон Мухаммада .....	57
Р.Хабохунова. Герменевтический подход к изучению классической литературы .....	61
Ш.Ходжаева. О слове в "Жемчужине прозы" .....	63
М.Саидакбарова. О кыта в "Истории равителей Ирана" .....	65
Б.Хасанова. Первые рассказы Аскада Мухтора .....	67
М.Курбаниязов. Тематический охват рассказов Рабгузи .....	70
Г.Курамбоева. Искусный мастер слова .....	73
З.Маматалиев. Абсцедарии в узбекской детской литературе .....	76
О.Гайлиева. Художественные особенности стихотворений в прозе .....	80
Б.Абдурахмонова. Литературное влияние и своеобразие .....	84
Б.Джураева. Пословицы формирования на основе фольклорных жанров .....	86
Д.Аскарлов. Мухаммас Амири к газелям Фузули .....	90
М.Жамолитдинов. Отображение национальных черт в повести "Джамиля" .....	92
Г.Алиева. Образ Амири в лирике Нодирсы .....	94
М.Гозиева. Интонация и актуальное деление предложения .....	96
М.Хакимова. Абстракция как метод переноса значения .....	102
Н.Садинова. Оксюморон и прагматический подход к нему .....	105
Д.Жамолитдинова. Термины в аспекте текстовой лингвистики .....	108
Ш.Тулаганова. Стилистические особенности стереотипных единиц в тюркских памятниках .....	110
А.Хасанов. Форма и содержание в лингвопоэтическом анализе .....	112
Ш.Акрамов. Функции дополнения и обстоятельства в качестве распространителей предложения .....	115
М.Тожибоева. Арабские конструкции в заголовках "Смятении праведных" .....	119
Н.Янгибаева. Из истории формирования латинской письменности .....	121
Д.Хасанова. Факторы формирования личности как основы социологических исследований .....	124

### Деятели науки

Н.Махмудов, Х.Жабборов, А.Мадвалиев. Известный проницательный языковед .....	126
--	-----

### Критика. Рецензия. Библиография

З.Рахмонова. Мастерство интерпретации и анализа .....	130
М.Сулаймонов. Исследование заголовков "Пятерцы" .....	131

# CONTENTS

## Linguistics

- A.Madvaliev. The progress of Uzbek lexicography in period of independence ..... 3  
T.Mirzaev. Prominent scientist of dialect ..... 14

## Literature studies

- I.Khaqqul. Ergash Jumanbulbul and eastern classical literature ..... 19  
A.Abduqodirov. About literary relations of Navoi and Jami ..... 23  
R.Barakayev. The leader of Uzbek enlightenment and jadidism ..... 29  
Z.Qobilova. Amiri and Fuzuli..... 38

## Scientific information

- M.Asadov. Forming genre of Sokiyname ..... 43  
D.Zokhidova. About poetic skill of Uvaysi ..... 48  
T.Toshboltaeva. Naziras of Fazli to gazels of Amiri ..... 54  
B.Rajabova. About one qit'a of Pakhlavon Muhammad ..... 57  
R.Khabokhunova. Hermenentic approach to the of classical literature ..... 61  
Sh.Khujaeva. The definition of world in "Nazmul javokhir" ..... 63  
M.Saidakbarova. About qit'as in "Tarikhi muluki ajam" ..... 65  
B.Khasanova. First stories of Asqad Mukhtor ..... 67  
M.Qurbaniyazov. The volume of theme of Rabg uzi's stories ..... 70  
G.Quramboeva. Resourceful creator ..... 73  
Z.Mamataliev. Alphabet poems in Uzbek children literature ..... 76  
O.Gaylieva. Poetic features of prose poems ..... 80  
B.Abdurakhmonova. Literary influence and specifications ..... 84  
B.Djuraeva. The formed proverbs in the basis of folk genres ..... 86  
D.Asqarov. The mukhammas of Amiri to gazel of Fuzuli ..... 90  
M.Jamoliddinov. The reflection of nationality in "Jamila" narrative ..... 92  
G.Alieva. Image of Amiry in the poetry of Nadira ..... 94  
M.Gozieva. Intonation and actual division of sentence ..... 96  
M.Khakimova. Abstract as mode of transfer of name..... 102  
N.Sadinova. Oksumoron and pragmatic approach to it..... 105  
D.Jamoliddinova. Term in aspect of textual linguistics ..... 108  
Sh. Tulaganova. The methodology feature of stereotype units in Turkic inscriptions ..... 110  
A.Khasanov. Form and content in linguopoetic analyze ..... 112  
Sh.Akramov. The functions of object and adverbial modifier as enlarger of sentence ..... 115  
M.Tojiboeva. Arabic phrases in heading of "Hayrat ul-abror" ..... 119  
N.Yangibaeva. From the history of forming latin alphabet ..... 121  
D.Hasanova. Personality formation factors the basis of sociological research ..... 124

## The leader of our science

- N.Makhmudov, Kh.Jabborov, A.Madvaliev. Famous and keen linguist ..... 126

## Criticism. Review. Bibliography

- Z.Rakhmonova. The skill of interpretation and analysis ..... 130  
M.Sulaymonov. The research of headings of "Hamsa" ..... 131

МЧЖ "ИПАК YO'LI POLIGRAF" босмахонасида чоп этилди. Буюртма №23.

Манзила: 100170, Тошкент. Авайхон кўчаси, 98А-уй.

Қоғоз бичими 70x108 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма.

Офсет қоғози. Аrho Pro гарнитураси.

Шартаи-босма т. 8,5. Тиражи 440 нусха. Келишилган нархда


Муҳайё ҲАКИМОВА

## МАВҲУМЛАШИШ НОМ КЎЧИШ УСУЛИ СИФАТИДА

Метафоранинг турларидан бири маънонинг мавҳумлашишидир. Бунда конкрет денотатни номловчи сўзлар мавҳум тушунчаларни номлай бошлайди. Масалан, баҳор (фасл) – баҳор (шодлик), баҳор (фасл) – баҳор (севги), оқ (ранг) – оқ (гуноҳсиз), оғир (вазнининг меъёрдан ёки тақдосланаётган нарсадан ортиқлиги) – оғир (вазмин), тирналмоқ (бирон-бир нарсанинг устки қисмининг қирилиши) – тирналмоқ (руҳий азобланиш), бўсаға (уйнинг кириш қисми) – бўсаға (ҳар ишнинг бошланиши). Жумладан, оқ лексемасининг лексик маънолари:

1. сфт. Қор, сут, пахта рангидаги. Оқ доқа. Оқ нон. Оқ қоғоз.
2. Оқ тусга мойил, тиниқ. Оқ бадан. Оқ юзли.
3. Оқлик. Оққа етмоқ.
4. Ароқ. Оқидан ичмоқ.
5. Чор Россияси подшосига тегишли; унинг тарафдорлари; контр-революцион.
6. Охирги, тоза (қўлдан чиқариш ёки пардозлаш учун қилинган охирги иш ҳақида). Оққа кўчирмоқ.
7. Гуноҳсиз, шаънига доғ тушмаган; тўғри, ҳақиқат. Текширамыз: оқни оққа, қорани қорага ажратамыз.
8. Оқарган тук, мўй. Сочнинг оқи.
9. Кўзнинг қорачиқни ўраган, тиниқ рангли, шаффоф қисми.
10. Тухумнинг оқсил моддаси. Оқини емоқ.

Оқ лексемасининг маъно тараққиётини шартли равишда қуйидагича белгилаш мумкин. Зеро, миллатнинг қайси маънони қачон ва қандай боғлиқлик асосида ҳосил қилганини аниқлаш мушкул ва ҳатто, иложсиздир.



Оқ лексемасининг “Туноҳсиз, шаънига доғ тушмаган; тўғри, ҳақиқат” маъноларини ифодаловчи 7-маъноси 6-маъносидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Оқ лексемасининг 6-маъноси “Охирги, тоза” маъноларини англатиб, асосан, қоғозга нисбатан қўлланади ва оққа кўчирмоқ, оққа ёзмақ каби асосий лексик контекстда реаллашади. Агар 7-маънонинг “доғ тушмаган” ва 6-маънонинг “ёзилмаган” семемаларини қиёсласак, буларнинг биридан иккинчисини келиб чиққан дейиш мумкин. Зеро, халқимизда боланинг қалби ёзилмаган оқ қоғозга ўхшатилиши ҳам фикримизни далиллайди. Шунда 6-маъно конкрет денотатлар учун қўлланади: қоғоз ёки шувоқ учун. 7-маъно эса абстракт тушунчани ифодалайди. Ушбу ном кўчиш ҳодисасини маънонинг мавҳумлаштириш орқали кўчиши деб белгилаш мумкин<sup>1</sup>.

Демак, инсоният, жумладан, ўзбек халқи конкрет нарсалар билан абстракт тушунчалар ўртасида боғланишларни ҳосил қила олган ва бирининг номи билан иккинчисини атаган.

Маънонинг мавҳумлашиши орқали ном кўчишда қуйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин:

1. Нарса-ҳодиса маъноси мавҳумлашади.
2. Белгининг маъноси мавҳумлашади.
3. Ҳаракатнинг маъноси мавҳумлашади.

Нарса-ҳодисанинг маъноси мавҳумлашишини баҳор лексемаси мисолида кўриш мумкин. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида баҳор лексемасининг 6 та маъноси берилган. Баҳор лексемасининг бош маъноси баҳор фасли, гўзал баҳор, ўлкада баҳор каби боғланишларда реаллашадиган “йилнинг қишдан кейинги, ёздан олдинги фасли” маъносидир. “Баҳор” лексемасининг иккинчи маъноси, яъни баҳор 2 умр баҳори, ҳаёт баҳори, севги баҳори каби боғланишларда юзага чиқади ва “ҳар нарсанинг яшнаган, камолга етган пайти, шундай чоғлар рамзи” деган маънони ифодалайди. Баҳор лексемасининг 3-маъноси (баҳор 3) “Умрнинг маълум қисми, муддати, ёши” лексик маъноси қуйидаги каби гапларда ойдинлашади: *Ўн саккиз баҳорга бўлдим ҳамнафас*. Тўртинчи лексик маъноси (баҳор 4) эса қувонч, шодлик, бахт каби маъноларни ифодалайди ва мазкур маъно ушбу гапда юзага чиқмоқда: *Ишқингда мен баҳорлар топдим, Баҳор ичра наҳорлар топдим*. Бешинчи маъноси (баҳор 5) эса севги, муҳаббат; умид каби маъноларни ифодалаб, у кимнингдир қалбида баҳор гуллади каби қуршовларда намоён бўлади. “Севгили, маъшуқа, гўзал ёр” маъносини англатувчи олтинчи маъноси (баҳор 6) одатда матнда мурожаат объекти сифатида воқеланади: *Гуллаган баҳорим, сени севаман*.

Баҳор лексемасининг семантик тараққиёти шуни кўрсатадики, ўзбек тилида фасл номи билан 3 та мавҳум маъно номланган: Б2, Б4, Б5. Баҳор1 семемасидан баҳор2 семемаси шакланган. Бунда “йилнинг қишдан кейин, ёздан олдин келадиган фасли, табиатнинг яшнаган, гуллаган, уйғониш даври” маъносидан ва “ҳар нарсанинг яшнаган, камолга етган пайти шундай чоғлар рамзи” маъноси келиб чиққан. Ушбу маънонинг ҳосил бўлишида “яшнаган”, “гулгун”, “давр” бирлаштирувчи семалари асосвазифасини бажарган. Уч ойдан иборат аниқ вақт мавҳум вақтни номлашга ихтисослашган. Қиёслаймиз: **Баҳор жуда гўзал фасл; Қайтармикан умрим баҳори**. Болалигим орзу-

<sup>1</sup> Ш.Раҳматуллаев ҳам туз лексемасининг маъно тараққиёти мисоини айтиб ўтган эди. Қаранг: R a h m a t u l l a y e v Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. Toshkent, 2010. 57-bet.

армоним. Қувонч, шодлик, бахт каби маъноларни ифодаловчи Б4 семемаси Б2 семемасидан, севги, муҳаббат; умид каби маъноларни ифодаловчи Б5 семемаси эса Б4 семемасидан ўсиб чиққан. Бунда Б2 семемаси аниқ маънонинг мавҳум маънога айланиши асосида ҳосил бўлган бўлса, Б4 мавҳум маънодан мавҳум маънонинг ҳосил бўлиши асосида ном кўчган.

Синестизия ва мавҳумлашиш. Синестизия термини грекчадан олинган бўлиб, биргаликда ҳис қилиш маъносини беради. Синестизия муайян сезги органларига таъсирланиши орқали бир вақтнинг ўзида бошқа сезгида ҳам шунга мос ҳис-туйғуларнинг пайдо бўлишидир<sup>2</sup>. Масалан, тинглаш пайтида рангни ҳис қилиш, кўриш жараёнида товушни ҳис қилиш. Айрим кишиларда тўқ сариқ ранглار илиқлик; кўк, яшил ранглар эса совуқлик ҳиссини уйғотади. Ёки овозлар рангли туюлиши мумкин. Римский-Корсаков, Скрябин каби бастакорлар товушни рангли ҳис қилганлар. Синестизия термини тилшуносликда маълум бир сезги аъзосининг таъсирланиши орқали бошқа сезги аъзосида ҳам ҳосил бўлувчи ҳис-туйғуларнинг лисоний аксланишларини ифодалайди. Синестизияни метафорада, тропларда, ўхшатишларда кўриш мумкин.

Синестизия метафоранинг бир кўриниши сифатида ўзбек тилидаги адабиётларда ҳам учрайди<sup>3</sup>. Масалан, *ширин* лексемаси таъм билиш сезгиси орқали ҳис қилинувчи туйғуни – белгини ифодалайди ва у истеъмоқ қилинадиган нарсаларга нисбатан қўлланади. *Ширин* сўзини овозга, яъни эшитиш орқали ҳис қилинувчи нарсага нисбатан қўллаш синестизияга мисол бўлади: *Ширин чой (маза-таъм) – ширин овоз (эшитиш)*.

Мавҳумлашиш синестизиядан фарқли ном кўчиш усулидир. *Ширин* лексемасини овозга нисбатан қўлласак, синестизия. Чунки, бир сезгининг туйғуси иккинчи сезгининг туйғусига ўхшатишмоқда. Лекин *аччиқ* лексемасини ҳақиқатга нисбатан қўлланганда реаллашувчи маъно абстракция натижасидир. Таққослаймиз: *ширин таом, ширин овоз ва аччиқ таом, аччиқ ҳақиқат*. Зеро, ҳақиқат ёки унинг аччиқлиги бешта сезги аъзоларимиз билан эмас, балки ақлий билиш орқали мушоҳада қилинади. *Енгил* лексемасининг *енгил қадам* каби қуршовларда намоён бўлувчи маъноси синестизияга, *енгил табиат* каби бирикувларда реаллашувчи маъноси эса абстракция натижасидир.

Мавҳум номлар гносеологик характердаги моҳиятларни номлар экан, уларни англаш мураккаб жараёндр. Тилда эса ушбу мураккабликнинг ечими мавжуд бўлиб, конкрет номлар орқали номланган абстракт моҳиятларни тушуниш бироз осон кечади. Демак, инсоният учун мураккабликни аниқ нарсаларга қиёслаш, аниқ нарсаларнинг ўлчовлари орқали тушуниш қулай кечади.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада мавҳумлашиш орқали ном кўчиш усули тадқиқ этилиб, *ном кўчишининг учта тури*: нарса-ҳодиса маъноси, белгининг маъноси, ҳаракатнинг маъноси мавҳумлашиши таҳлил қилинади.

**РЕЗЮМЕ.** В этой статье изучается перенесение имени путем абстрагирования. А также проанализированы три вида абстрактного переноса: с предметным значением, со значением действия и знака.

**RESUME.** In this article, we studied the transfer of a name by abstracting. And also analyzed

<sup>2</sup> <https://ru.wikipedia>.

<sup>3</sup> Миртожиев М. Семаснология. Тошкент, 2010.

three types of abstract transfer: with the objective value, with the value of the action and with the meaning of the sign.

**Таянч сўз ва иборалар:** антропоцентризм, мавхумлашиш, ном кўчиши, метафора, номинация, синестизия.

**Ключевые слова и выражения:** антропоцентризм, абстрактность, перенесение имени, метафора, номинация, синестизия.

**Key words and word expressions:** anthropocentrism, abstractness, transfer of a name, metaphor, nomination, sinness.

Нигина САДИНОВА

## ОКСЮМОРОН ВА УНГА ПРАГМАТИК ЁНДАШУВ

Контраст доирасида қаралувчи оксюморон ҳам моҳиятан зидлик асосига қурилган. У лексик бириктирилган маъносига кўра зид бириктирилиши ифодалади ва натижада янги маъноли тушунча ҳосил бўлади. Оксюмороннинг асосий вазифаси муаллифнинг тасвирланаётган ҳодисага бўлган шахсий муносабатини ифодалашдир<sup>1</sup>. Оксюморон контраст доирасида қаралувчи бошқа ҳодисалардан фарқли равишда мазмунан зид бўлган компонентларни бириктирган ҳолда янги маъно ифодалади. Ана шу хусусиятидан келиб чиқиб, у адабиётшуносликда “Бадий кўчим турларидан бири бўлиб, таркибидаги қарама-қарши маъноли тушунчалар янги бир кутилмаган маънони келтириб чиқаради. Оксюморондаги мана шу хусусият кучли образлилик касб этади. Масалан:

Уйгон, эй малагим, тур ўрнингдан, тур,

Оташин музларда исинайлик, юр.

Ёнғинли дарёда қулоч отайлик,

Бу ердан кетайлик, фақат кетайлик. (Рауф Парфи)

Кўпинча бадий асар номлари ҳам оксюморон асосида қўйилади. Масалан: “Оптимистик трагедия”, “Тирилган мурда”, “Барҳаёт ўликлар” каби<sup>2</sup>.

Оксюморонда муаллифнинг воқелик фактларига, турли ҳодисаларга муносабати, уларни маълум позицияда туриб баҳолаши бадий тарзда акс этади. Тилшунослик бўйича яратилган лугатларда ҳам уни изоҳлашда функционал услубий хусусиятлари эътиборга олинади: “Мантиқан бири иккинчисини инкор этадиган, бир-бирига қарама-қарши бўлган икки тушунчани (маъноси бир-бирига зид икки сўзни) ўзаро қўшишдан иборат услубий фигура; бадий адабиётда образлилик, ифодалилик каби мақсадларда кенг қўлланади: *Кезадир булутлар бошим устида. Ҳаво дим. Бақирган сукунат.* (Р.Парфи). *Гўзалим, негадир кўзингда нам бор? Бу кун кўзларингда нозик бир ғам бор* (М.Шайхзода)<sup>3</sup>. “Оксюморон ҳам антитезанинг бир кўриниши дейиш мумкин, – деб ёзади С.Каримов – Чунки, бунда ҳам маънолари бир-

<sup>1</sup> Кухаренко В.А. Интерпретация текста. Учеб. пособие М.: Просвещение, 1978. С.123.

<sup>2</sup> Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Тошкент: Ўқитувчи, 1983. 226-бет.

<sup>3</sup> Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. Тошкент: ЎМЭ, 2002 74-бет.